

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва Ўзбекистон
электрон оммавий ахборот воситалари миллий Ассоциацияси ўртасида
ўзаро ҳамкорлик тўғрисида**

М Е М О Р А Н Д У М

20 17 йил « 1 » 06

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий Ассоциацияси, келгусида «**Томонлар**» деб номланувчи,

мамлакатимизда тизимли ва изчил равишда амалга оширилаётган, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойилларига таянган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2637-сон Қарорига ва иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 30 сентябрда рўйхатга олинган Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Уставига мувофиқ,

аҳолининг коррупцияга қарши ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг умумий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб,

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга асосланиб,

2017-2018 йиллар учун коррупцияга қарши тадбирлар комплексида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида,

коррупцияни олдини олиш, унинг сабабларини аниқлаш ва у билан курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш борасида яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1. Меморандумнинг предмети

1.1. Коррупция ҳолатларини олдини олиш, коррупцияга қарши курашишда интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантириш, фуқароларнинг бу соҳадаги ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликда тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишда Томонларда мавжуд ахборотлардан, ҳуқуқий, илмий манбалардан фойдаланиш мазкур Меморандумнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

2. Ҳамкорлик шакллари ва йўналишлари

2.1. Меморандум самарадорлигини ошириш мақсадида Томонлар қуйидаги шакллар ва йўналишларда ҳамкорликни амалга оширадилар:

- ҳамкорлик доирасидаги масалаларини ўрганиш бўйича малакали мутахассисларни жалб қилиш;

- ҳамкорлик соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва механизмларни такомиллаштиришга, коррупцияни олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, қонун ҳужжатлари юзасидан аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот ишларини амалга ошириш;

- ҳамкорликда тадбирлар (конференция, семинар-тренинг ва «давра суҳбатлари») ташкил этиш ва ўтказиш;

2.2. Мазкур Меморандумнинг мақсад ва вазифаларига эришиш учун Томонлар, зарур ҳолларда ўз вакиллари орасидан ишчи гуруҳларни тузиши, шунингдек, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларидан мутахассислар жалб қилишлари мумкин.

2.3. Мазкур Меморандумнинг мақсадларидан келиб чиқиб, Томонларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳамкорликнинг бошқа шаклларида ҳам фойдаланилиши мумкин.

3. Яқунловчи қоидалар

3.1. Ушбу Меморандум номуайян муддатга тузилган бўлиб, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

3.2. Зарур ҳолларда Томонларнинг ёзма келишуви асосида ушбу Меморандумга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3.3. Ушбу Меморандум Томонлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи Томонни бекор қилинишдан камида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш орқали бекор қилиниши мумкин.

3.4. Мазкур Меморандум бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
Бош директори



Файзуллаев А. Н.

Ўзбекистон электрон оммавий
ахборот воситалари миллий
Ассоциацияси раиси



Абдухаликов Ф.Ф.